



**ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ МЕДИАЦИЯ ОРҚАЛИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Маткаримов Хотам Қуронбаевич

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди раиси

E-mail: xotamkuronbaevich@gmail.com

***Аннотация.** Мазкур мақолада оилавий низоларни медиация орқали ҳал этишнинг ҳуқуқий асоси, унинг афзалликлари ва амалий аҳамияти таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг медиация тўғрисидаги қонунчилиги ҳамда оилавий низолардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал этиш имкониятлари ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилади. Тадқиқот натижасида оилавий низоларни ҳал этишда медиация институтини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар олға сурилади.*

***Калит сўзлар:** оилавий низолар, оилавий ҳуқуқ, низоларни муқобил этиш, медиатор, ярашув, судгача ҳал этиш.*

Оила – жамиятимизнинг энг асосий бўғини ҳисобланади. Табиийки, оилада юзага келган ҳар қандай кўринишдаги низо нафақат эр-хотинга, балки фарзандларга ҳамда бошқа оила аъзоларининг манфаатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Анъанага кўра, бу каби низолар суд тартибида ҳал этиб келинаётган бўлса-да, замонавий ҳуқуқ тизимларида низоларни муқобил ҳал этиш усуллари, хусусан, медиация институтига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биламизки, медиация бу – тарафларнинг ўзаро яқдил мулоқоти ҳамда уларнинг келишувига асосланган бўлиб, оилавий муносабатларни сақлаб қолиш, шунингдек, низонинг кескинлашувининг олдини олишга хизмат қилади. Шу сабабли, оилавий турдаги низоларни медиация орқали ҳал



этишнинг ҳуқуқий механизмларини тадқиқ этиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида медиация институти Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солиниб, мазкур қонунга мувофиқ, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек, меҳнат ва оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган айрим низолар медиация тартибида ҳал этилиши мумкин.

Биз айтаётган оилавий низолар доирасида тарафларнинг никоҳдан ажрашиш билан боғлиқ низолари, эр-хотин ўртасидаги мол-мулкни бўлиш низоси, балаларни тарбиялаш ҳамда улар билан мулоқот қилиш тартиби билан боғлиқ низолар, алимент тўлаш мажбуриятдан келиб чиқадиган низолар ҳамда бошқа оилавий-ҳуқуқий низолар медиация предмети бўлиши мумкин. Айтиш ўринлики, медиация институтининг асосий тамойиллари ихтиёрийлик, махфийлик, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва энг асосийси, медиаторнинг холислигидан иборат. Чунки, медиация императив характерга эга эмас, балки унда диспозитивлик муҳим ўринда бўлиб, тарафлар ихтиёрий равишда медиацияга мурожаат этишади. Қолаверса, медиация билан боғлиқ ҳуқуқий кўникмалар тўлиқ шаклланмаганлиги эвазига тарафлар махфийлик сиёсатидан кўрқиб, низоларини фақат суд тартибида ҳал этилишини исташади. Бироқ махфийлик мазкур институтнинг энг муҳим принципларидан бири саналади. Бунда ҳам тарафлар тенг ҳуқуқли бўлиб, ҳар қайси тараф ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланади. Медиациянинг самарадорлиги кўп ҳолларда бевосита етук медиаторга боғлиқ бўлиб, у, энг аввало, холис шахс бўлиши, яъни ишнинг қандай тус олишидан қатъий назар SJIF:5.219



манфаатдор бўлмаслиги, битта тарафга ён босмаслиги ўта муҳим ҳисобланади. Медиатор – медиация жараёнининг марказий субъекти ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси тарафлар ўртасида ўзаро мулоқотни ташкил этиш ва келишувга эришишга кўмаклашишдан иборат. Медиатор, аввало, холис бўлиши, тарафлардан бирининг манфаатини кўзламаслиги, махфийликни сақлаши, қонунчилик талабларига риоя қилиши лозим. Оилавий тусдаги низоларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олсак, медиатор нафақат ҳуқуқий, балки психологик ва коммуникатив кўникмаларга ҳам эга бўлиши шарт.

Юқорида айтиб ўтилганидек, медиация орқали оилавий низоларни ҳал этиш бир қатор муҳим афзалликларга эга бўлиб, аввало, медиация оилавий муносабатларнинг сақланиб қолишига ёрдам беришини алоҳида таъкидлаш жоиз. Суд жараёнларида тарафлар ўртасидаги зиддиятли ҳолатлар янада авж олиши мумкин бўлса, медиацияда уларнинг ўзаро мулоқот ва келишувга эришиши устувор вазифа бўлиб ҳисобланади. Медиатор низонинг бир томон фойдасига ҳал қилинишига эмас, балки ҳар икки томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, муроасага эришишларига кўмаклашади.

Иккинчидан, медиация тарафларнинг вақтини ҳамда маблағини тежаш имконини беради. Суд жараёнлари, одатда, узок вақт давом этади. Медиация эса нисбатан қисқа муддатда яқунланади.

Учинчидан, медиация жараёнининг махфийлиги оилавий муносабатлар билан боғлиқ шахсий маълумотларнинг ошкор бўлишининг олдини олади.

Тўртинчидан эса, медиация болалар манфаатларини самаралироқ ҳимоя қилиш имконини яратади. Негаки ота-оналар ўзаро келишув асосида



якдил қарор қабул қилишади. Медиация натижасида тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилади. Ушбу келишув фуқаролик-ҳуқуқий битим сифатида эътироф этилади ҳамда тарафлар учун мажбурий ҳисобланади. Медиатив келишувнинг афзаллиги шундаки, унда низонинг суд қарорига нисбатан анча мослашувчан ва тарафларнинг реал манфаатларига мос ечимлари акс этади. Шу сабабли ҳам, оилавий низоларда медиатив келишувларнинг қўлланилиши доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу борада хорижий тажрибага юзланадиган бўлсак, халқари амалиётда медиация низоларни муқобил ҳал этишнинг энг самарали усулларида бири сифатида тан олинади. АҚШ, Буюк Британия, Германия ҳамда Канада каби мамлакатларда оилавий медиация кенг қўлланилишини айтиш ўринли. Баъзи давлатларда судга мурожаат қилишдан аввал медиация тартибидан ўтиш тавсия этилади ва ёки бу – мажбурий дастлабки босқич сифатида белгиланиб қўйилади.

Мисол учун, Буюк Британияда бола манфаати билан боғлиқ бўлган оилавий низоларни кўриб чиқишда медиация институти муҳим ўрин эгаллайди. Германияда эса оилавий судлар тарафларни ярашув ва медиация имкониятларидан фойдаланишга фаол равишда йўналтиради. Мазкур тажриба оилавий низоларни судгача ҳал этиш механизмаларини ривожлантиришнинг самарадорлигини кўрсатади.

Тан олиб айтиш керакки, бизда суд тизимида медиация яхши ривожланган, деб айтолмаймиз. Сабаби, бизда ҳали медиация институтининг ўзи у даражада ривожланмаган. Суд низони кўриб ҳал этиши жоиз бўлса-да, SJIF:5.219



айрим вазиятларда тарафларда ўзаро ярашиш истаги пайдо бўлади. Медиация суд босқичининг ҳар қайси босқичида амалга оширилиши мумкин бўлса-да, бироқ тарафлар судгача медиация босқичидан ўтишса, суд юкламаси анчагина камаяди ва бу иш самарадорлигини янада ошишига олиб келади.

Ундан ташқари, оилавий низолар фақатгина ҳуқуқий эмас, балки психологик муносабатлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Суд қарори низони ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиши мумкиндир, бироқ тарафлар ўртасидаги ҳиссий зиддиятларни бартараф этолмайди.

Медиация жараёнида эса медиатор тарафларга бир-бирини тинглаш ва тушуниш имконитини яратади. Бу, айниқса, вояга етмаган фарзандлар мавжуд бўлган оилаларда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳатто, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясида ҳам болага оид барча оилавий муносабатларда унинг манфаатлари энг устувор ҳисобланади. Медиация институти орқали ота ва оналар боланинг яшаш жойи, таълим олиши, тарбияланиши билан боғлиқ масалаларни ўзаро келишиб, ҳал этишлари мумкин. Бу эса суд қарорига нисбатан кўпроқ ижобий аҳамият касб этади.

Сўнгги вақтларда судларда кўрилаётган оилавий ишлар сонининг ортиши одил судлов самарадорлигига ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти, албатта. Медиация низоларнинг маълум қисмини судгача ҳал этиш имконини бериб, судларда иш ҳажмини камайтиришга хизмат қилади. Натижада эса судлар мураккаб ишларни кўриб чиқишга кўпроқ вақт ажрата олади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, оилавий ишлар билан боғлиқ айрим тоифадаги ишларда судга мурожаат қилишдан олдин мажбурий дастлабки медиация



босқичини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу оилани сақлаб қолиш имкониятини ошириш, судлар юкламасини камайтириш ҳамда тарафлар манфаатларини мувозанатли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қолаверса, ахборот технологияларининг ривожланиши онлайн медиация хизматларини жорий этиш имконини бермоқда. Масоадан туриб музокаралар олиб бориш тарафларга вақт ва харажатларни тежаш имконини яратади.

Республикамизда медиация институтининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, унинг амалий қўлланилишида айрим муаммоларнинг мавжудлигига кўз юмиб бўлмайди. Шу жумлага аҳолининг медиация ҳақида етарли кўникмаларга эга эмаслиги, оилавий низолар бўйича профессионал медиаторлар сонининг чекланганлигини, медиация маданияти тўлиқ шаклланмаганлигини, айрим ҳолларда тарафлар фақат суд орқалигина низони ҳал этишни афзал кўришларни олсак бўлади. Албаттаки, юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш учун медиацияни тарғиб қилиш бўйича ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш, оилавий медиация бўйича махсус медиаторларни тайёрлаш, судлар ҳузурида медиация марказлари фаолиятини кенгайтириш ва, албатта, хорижий тажрибани миллий амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, оилавий низоларни медиация орқали ҳал этиш оилани мустаҳкамлаш, тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолиш, судларга тушадиган юкламани камайтиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. Ўзбек халқининг яраштириш, муросага келтириш ва оилани сақлаб қолишга қаратилган анъаналари медиация институтининг мазмун-
SJIF:5.219



моҳиятига мос келади. Шу сабабли, медиацияни ривожлантириш нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий ва маънавий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида медиация институтини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва оилавий низолар бўйича медиация амалиётини кенгайтириш ушбу соҳадаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.